Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
7 февраль,
жума
№ 6 (779)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

УГЛЕВОДОРОД ҚАЗИБ ОЛИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни нефть-газ саноатидаги ишлар натижадорлиги, табиий газ ва суюқ углеводородлар қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича жорий йилги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Нефть-газ саноати аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари учун энергия манбаи, кўплаб маҳсулотлар учун хомашё етказиб берадиган муҳим соҳадир. Шу боис энергетика, нефть-газ, геология йўналишларида чуқур таркибий ислоҳотлар, рақобатбардошликни кучайтиришга қаратилган дастурлар амалга оширилмоқда.

"Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти бошқарув тизими такомиллаштирилди, унинг таркибида бўлган "Ўзтрансгаз" ва "Ҳудудгазтаъминот" акциядорлик жамиятлари алоҳида ташкилотлар сифатида қайта ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 18 ноябрдаги "Нефть ва газ геологияси-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан янги конларни аниқлаш, углеводород хомашёси захираларини ривожлантиришнинг барча ташкилий-молиявий жиҳатлари белгилаб берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида хорижий экспертларни нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозимлигини таъкидлади. Янгидан тасдиқланган ҳукумат олдига шу борада устувор вазифалар қўйилди.

Йиғилишда нефть-газ соҳасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Яратилган шароитларга қарамасдан, тизимли муаммолар барҳам топмаётгани, бу бошқа тармоқлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидлаб ўтилди.

— Бир нарсани ҳаммамиз тушуниб олишимиз лозим. Биз соҳадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ўтган уч йилда кўпгина чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этдик. Лекин натижаларни таҳлил этадиган бўлсак, ҳали нефть-газ, электр энергиясининг барқарор таъминотида халқимиз, тадбиркорларимиз талабини тўла қаноатлантира олмаяпмиз. Шунинг учун, ҳар бир масалага чуқур эътибор қаратиб, янгича ёндашувлар асосида самарали иш тизимини ташкил этишимиз керак. Агар бу вазифаларни ўз вақтида амалга оширмасак, иқтисодиётимизда кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаймиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Корхоналарни модернизация қилиш ишлари етарли эмаслиги, газ етказиб беришда йўқотиш кўплиги ҳамда узилишларга йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Энергетика вазирлигига жорий йилда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига ёқилғи маҳсулотларини барқарор етказиб бериш учун табиий газ қазиб олишни 2019 йилгига нисбатан 4 миллиард куб метрдан зиёд кўпайтириш вазифаси қўйилди. Ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш оралиғидаги технологик сарф ва йўқотишларни камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Нефть-газ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича "лойиҳа офиси"га илғор халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш, корхоналарда раҳбар ходимларнинг маошини фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларига (KPI) боғлаш зарурлиги таъкидланди. Соҳадаги барча корхоналарда коррупцияга қарши курашиш бўйича "комплаенс назорат" тизими жорий этилиши белгиланди.

"Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятига ҳар бир коннинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиб, табиий газ қазиб чиқариш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди.

Аҳолининг суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида пропан-бутан аралашмасини ажратиб олиш қурилмасини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича 3 та лойиҳани якунлаш лозимлиги қайд этилди.

Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқариш заводи қурилишининг бориши кўриб чиқилди. Соҳа корхоналарида "рақамли кон", хўжалик бошқаруви ва ресурсларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш дастурларини (ERP) жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

"Ўзтрансгаз" ва "Ҳудудгазтаъминот" акциядорлик жамиятларига жорий йил июль ойига қадар 2,5 мингта йирик истеъмолчини табиий газ ҳисобини юритишнинг онлайн тизимига улаш вазифаси юклатилди. Табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш доирасида камида 2 миллион истеъмолчига замонавий электрон газ ҳисоблагич ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган чора-тадбирларни жадаллаштириш бўйича масъуллар белгиланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган **58** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **41** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **3** нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, **44** нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, **14** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **2** нафарини аёллар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва мехр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Суд ишлари судьялар ўртасида автоматик тақсимланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2020 йил 20 январдаги биринчи йиғилишида Президентимиз қонунчилик ижросига алоҳида эътибор қаратиб, "Қонун қабул қилиндими, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак", деган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур йиғилишда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, қўмита аъзолари Президентимизнинг 2019 йил 20 ноябрдаги "Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Судлар тўғрисида"ги қонунга суд раислари ваколатидан ишларни тақсимлаш билан боғлиқ нормани чиқариб, ишларни судьяларга автоматик равишда тақсимланишини белгиловчи ўзгартиришларни киритиш бўйича белгиланган вазифа юзасидан Тошкент вилоятининг Зангиота ва Янгийўл тумани судлари фаолиятини ўрганди.

Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари мазкур судлардаги ўрганиш ва танишув жараёнида, шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 30 августдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, суд мажлисларига видеоконференцалоқа тизими, аудио ва видео қайд этилиши билан боғлиқ воситаларнинг жорий этилганлик ҳолати ўрганилиб, муҳокама қилинди.

— Қўмитамизда Олий суд томонидан ташаббус ҳуқуқи асосида киритилган судьялар ўртасидаги ишларни автоматик равишда тақсимланишини, ахборот технологиялари қўллашни янада такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси мавжуд, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Шуҳрат Полвонов. — Бевосита туман судларига ташрифдан кўзланган асосий мақсад — тизим фаолиятини жойида кўриш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш, бу борада ишга солинмаган имкониятларни аниқлаш ва улар асосида қонунчиликни янада такомиллаштиришдан иборат. Бу ерда судьялар билан учрашиб, тизимнинг ишлаш жараёни, жумладан, маълумотларнинг йиғилиши, киритилиши, ишларнинг автоматик тарзда тақсимланиш жараёни билан танишиб, амалиётчилар билан муҳокамалар ўтказдик. Ўрганишларимиз мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

Маълумки, 2018 йилнинг 1 ноябридан бошлаб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий ва иқтисодий судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тартиби амалга киритилган бўлиб, айни пайтда судларга келиб тушаётган даъво аризалари автоматик тарзда ишларни тақсимлаш модули дастурий таъминоти орқали судьялар ўртасида тақсимланмоқда.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси 2 та қонун ва 3 та кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи 6 та моддани ўз ичига олиб, унга мувофиқ, "Судлар тўғрисида"ги қонундан суд раисларининг ишларини судьялар ўртасида тақсимлаш ваколати белгиланган нормани чиқариб ташлаган ҳолда, ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тартибини амалиётга тўлиқ жорий этишни қонуннинг алоҳида моддасида белгилаш нормасини киритиш таклиф этилмоқда.

Муҳокамалар чоғида судьялар томонидан мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар берилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуминнинг

ҚАРОРИ

2019 йил 24 декабрь № 26 Тошкент шаҳри

Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) амалга киритилганлиги ва суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек, ишларни апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда ИПК нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция ҳамда кассация инстанцияси судларида қайта кўриш ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб, биринчи инстанция судининг хатоларини бартараф этиш имконини беради.

2. ИПК 259-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти, прокурор эса, апелляция протести беришга ҳақлидир.

Айнан шу шахслар қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти, прокурор эса, кассация протести беришга ҳақлидир (ИПК 282-моддасининг биринчи қисми).

Иқтисодий судларга (бундан буён матнда судлар деб юритилади) тушунтирилсинки, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилинган шахснинг (шу жумладан, жисмоний шахснинг) апелляция, кассация шикоятини кўришда, бундай шахс ИПК 42-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Халқимизнинг меҳр-оқибати ва бағрикенглик фазилатлари ҳақида кўплаб ҳикоя, қисса ва ҳатто романлар ёзилган. Бироқ шундай воқеаларга жонли гувоҳ бўлган бошқа миллат вакилининг эътирофи одамга ўзгача таъсир қиларкан. Узоқ Мексиканинг Канкун шаҳрида бўлиб ўтган қуйидаги воқеа бу фикрни тўлиқ тасдиқлайди ва шу миллат вакили сифатида кўнглимни фахр-ифтихорга тўлдириб, бир умр хотирамда муҳрланиб қолган, десам, янглишмаган бўламан.

Мунаввар лаҳзалар

Мукаррам она тимсоли

ёки миллий бағрикенглик ҳақида воқеий ҳикоят

Дўстим Низомжон Рустамов билан узоқ йиллар суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритганимиз, иккимиз ҳам туман ва вилоят судларида раҳбарлик лавозимларида ишлаганимиз боис, вақт тиғизлиги, иш масъулияти нуқтаи назаридан бирор-бир чет давлатга чиқиш имконияти йўқ эди. Нафақага чиққанимиздан сўнг фарзандларимиз бизга туҳфа сифатида хорижга саёҳатга чиқиш имкониятини яратишди.

Жияним Американинг Нью-Йорк шаҳрида узоқ йиллардан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келади. Шу боис, укам ҳам оиласи билан шу ерда истиқомат қилади.

Фарзандларимиз яратган шароит ва укамнинг таклифига кўра, биз дўстим Низомжон билан 2013 йил декабрь ойида Нью-Йорк шаҳрига, укамнинг уйига меҳмон бўлиб бордик. Жияним Саиджоннинг режаси бўйича қисқа муддат Мексиканинг Канкун шаҳрида дам олдик.

Биз Низомжон, Собиржон укам ва жияним ҳар куни нонуштадан сўнг сув бўйида ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган жойда дилдан суҳбатлашамиз.

(Давоми 4-бетда) ▶

Оқлов

Оқлов ҳукми ва ажримлари

инсонпарварликнинг энг ёрқин намунасидир

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида сўнгги 3 йилда 1989 нафар, 2019 йилнинг ўзида эса, 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганини қайд этиб, "Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман" дея таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг бу фикрлари нафақат биз судьялар меҳнатининг эътирофи, балки адолатни қарор топтириш, ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариш бўйича зиммамизга юклатилган улкан масъулият ҳамдир.

2019 йилда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судлари томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан 27 нафар, туман ва шаҳар судлари томонидан эса, 5 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Марғилон шаҳрида яшовчи Зулфия Исақова машаққатли ва шарафли касб соҳибаси — қонун ҳимоячиси эди. Яъни у 1991 йилдан Тошлоқ тумани, Фарғона шаҳар ва собиқ Й. Охунбобоев (ҳозирги Қўштепа) туман ички ишлар бўлимларида суриштирувчи ва терговчи лавозимида фаолият юритган. 2009 йил декабрь ойининг бошида эса, Риштон тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси вазифасига ўтказилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш муҳокама этилди

Президентимиз Мурожаатномасида жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида ҳокимлар ваколатларини қайта кўриб чиқиш, бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

3. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, апелляция, кассация шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан нафақат тўлиқ, балки унинг бир қисмига нисбатан ҳам берилиши мумкин. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми ҳам, хулоса қисми ҳам шикоят (протест) беришнинг мустақил предмети бўлиши мумкин.

ИПК 259-моддасининг биринчи қисми ва 282-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар ИПК189-моддасига мувофиқ, қабул қилинган қўшимча ҳал қилув қарорига ҳам апелляция ёки кассация шикояти (протести) беришга ҳақлидир. Бунда шуни назарда тутиш керакки, қўшимча ҳал қилув қарори устидан апелляция (кассация) шикояти (протести) бериш муддати асосий ҳал қилув қарори қабул қилинган (қонуний кучга кирган) кундан ҳисобланади.

4. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, гарчи шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш учун асослар мавжуд бўлса-да, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни апелляция, кассация инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Биринчи инстанция суди томонидан шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал этилишига йўл қўйилмайди.

Биринчи инстанция судига шикоятга алоқадор қўшимча ҳужжатлар ёки бошқа шахслар томонидан янги шикоят берилган тақдирда, улар ҳам апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборилади.

Агар апелляция ёки кассация шикояти (протести) ҳал қилув қарорини тушунтириш, ҳал қилув қарорида йўл қўйилган хатоларни, ҳарфий хатоларни ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш, суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар бўйича суд мажлиси тайинлангандан кейин келиб тушса, биринчи инстанция суди бундай ариза бўйича иш юритишни ИПК 101-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тўхтатиб қўяди, ишни эса шикоят (протест) билан бирга апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборади.

5. Умумий қоидага кўра, ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин. Шу билан бирга шуни инобатга олиш лозимки, суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) у қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида берилади.

Кассация шикояти (протести) ҳар қандай иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Судларга тушунтирилсинки, апелляция тартибида шикоят қилиш (протест бериш) муддатини ҳисоблаш ҳал қилув қарори қабул қилинган санадан кейинги кундан, кассация тартибида шикоят қилиш (протест бериш) муддати эса, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган санадан кейинги кундан бошланади.

6. ИПК 262-моддасининг учинчи қисми ва 285-моддасининг иккинчи қисмига кўра, апелляция, кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилган тақдирда, у шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномасига кўра, тегишли равишда апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан тикланиши мумкин.

Илтимосномада шикоятни (протестни) берган шахс ҳавола этаётган муддатнинг ўтказиб юборилиши сабаблари кўрсатилиши ва асослантирилиши лозим. Илтимоснома шикоят (протест) матнида ёки алоҳида аризада баён этилиши мумкин ва шикоят (протест) билан бир вақтда берилиши лозим.

Судлар шуни инобатга олиши лозимки, агар ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома шикоят (протест) қайтарилгунга қадар берилган бўлса, у шикоят (протест) билан бирга берилган ҳисобланади.

Судларга тушунтирилсинки, ИПК 262-моддасининг учинчи қисми ва 285-моддасининг иккинчи қисмида апелляция, кассация шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш учун белгиланган икки ойлик ҳамда олти ойлик муддат қатъий ҳисобланади ва ушбу муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган бундай муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддати ўтказиб берилган апелляция, кассация шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 4-банди ва 291-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан рад этилиши лозим. Апелляция, кассация шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам бундай шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар билан рад этилади.

Агар апелляция, кассация шикояти (протести) қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у хатога йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган бўлса, апелляция, кассация шикояти бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ҳамда 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

7. Апелляция, кассация шикоятини (протестини) бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан, апелляция, кассация инстанцияси судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Муддат ўтказиб юборилганлигининг узрли сабаблари сифатида судга бундай шикоят (протест) билан ўз вақтида мурожаат қилишга объектив равишда тўсқинлик қилган ҳолатлар ҳисобланиши мумкин.

Апелляция, кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тикланиши сабаблари ҳақида шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

8. Апелляция, кассация шикоятининг (протестининг) мазмуни, тегишлича, ИПК 263 ва 286-моддалари талабларига мос бўлиши керак.

Апелляция, кассация шикояти уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёхуд бошқа ҳужжат илова қилинади.

Агар шикоятни қабул қилишда судьяда уни имзолаган шахсда таъсис ҳужжатларига мувофиқ шикоятни имзолаш ҳуқуқи борлиги борасида шубҳа туғилса, судья апелляция, кассация шикоятини иш юритишга қабул қилади ва аризачига унинг шикоятни имзолашга ваколатини тасдиқловчи далилларни тақдим этишни таклиф қилади. Шикоятни имзолаш ваколатини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаганда, апелляция, кассация инстанцияси суди шикоятни ИПК 272-моддасининг биринчи қисми, 295-моддасининг биринчи қисмига асосан кўрмасдан қолдиради.

9. Судлар шуни инобатга олиши лозимки, апелляция, кассация шикоятига давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилиниши керак, тўлов электрон тарзда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Шикоятга (протестга) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция, кассация шикояти (протести) ва унга илова қилинган, уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлиги ёки топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилиниши керак.

Қайд этилган талабларга риоя этмаслик, шикоятни (протестни) ИПК 269-моддаси биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларига, 292-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандларига асосан қайтариш учун асос бўлади.

10. Судлар шуни эътиборга олиши керакки, ИПК 269-моддасининг биринчи қисми ва 292-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган апелляция, кассация шикоятини (протестини) қайтариш асосларининг рўйхати тугал бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди.

11. Судлар даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан берилган шикоятга (протестга) қайтарилган даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан берилган кассация шикоятига (протестига) эса, қайтарилган апелляция шикояти (протести) ва унга илова қилинган ҳужжатлар илова қилиниши кераклигига эътибор қаратиши керак.

Ушбу талабларга риоя қилмаслик шикоятни (протестни) қайтариш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда судья шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилади ва аризачига кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишни таклиф қилади.

12. Апелляция, кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш, қайтариш тўғрисидаги масала шикоят (протест) иш билан бирга судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай судья томонидан якка тартибда ҳал қилинади (ИПК 266-моддасининг биринчи қисми, 289-моддасининг биринчи қисми).

Апелляция, кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилганда, ажримнинг кўчирма нусхаси шикоят (протест) ва илова қилинган ҳужжатлар билан бирга шикоятни (протестни) берган шахсга юборилади. Шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

13. ИПКда белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилинган ҳолда берилган шикоят (протест) апелляция, кассация инстанцияси судининг иш юритувига қабул қилинади. Шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда шикоятни (протестни) кўриш бўйича суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга, протестни берган прокурорга, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган, шикоят берган шахсга юборилади.

14. Шикоят (протест) иш юритишга қабул қилинганидан кейинги барча суд ҳужжатлари ҳайъатда қабул қилинади.

15. Судларга тушунтирилсинки, ИПК 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа шахслар (масалан, Савдо-саноат палатаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ва ш.к.) фақат даъво улар томонидан берилган ҳолдагина суд ҳужжати устидан апелляция, кассация тартибида шикоят бериши мумкин.

Улар томонидан бундай шикоят берилган бошқа ҳолларда, уни қабул қилиш ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади.

16. Шикоят (протест) қонун ҳужжатларига мувофиқ апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиниши (протест берилиши) мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса, шикоятни (протестни) қабул қилиш ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 2-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан рад этилади.

ИПКга кўра, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби, таржимонни рад қилиш ва ўзини ўзи рад қилиш тўғрисидаги масалани кўриш натижалари (ИПК 23-моддаси); ишни бошқа иқтисодий судга тегишлилиги бўйича ўтказиш (ИПК 39-моддаси); ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш (ИПК 45-моддаси); ишда иштирок этишга учинчи шахсларни жалб қилиш (ИПК 47, 48-моддалари); мутахассисни суд мажлисида иштирок этиш учун жалб қилиш (ИПК 57-моддаси); далилларни талаб қилиб олиш ва уларни турган жойида кўздан кечириш (ИПК 69, 70-моддалари); ашёвий далилларни қайтариш (ИПК 79-моддаси); экспертиза тайинлаш ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш (ИПК 80-моддаси); суд топшириғи (ИПК 91-моддаси); суд топшириғининг ижроси (ИПК 92-моддаси); иш юритишни тиклаш (ИПК 106-моддаси); процессуал муддатларни тиклаш (ИПК 123-моддаси); процессуал муддатни узайтириш ёки узайтиришни рад этиш (ИПК 124-модда); келишув битимини тасдиқлашни рад этиш (ИПК 134-моддаси); суд буйруғини бекор қилиш (ИПК 147-моддаси); даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш (ИПК 153-моддаси); даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришни, даъво талаблари миқдорини кўпайтиришни ёки камайтиришни, даъвогарнинг даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишини қабул қилиш ҳақида ёхуд қабул қилишни рад этиш (ИПК 157-моддаси); ишларни бирлаштириш (ИПК 158-моддаси); талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш (ИПК 159-моддаси); қарши даъвони қабул қилиш (ИПК 161-моддаси); ишни суд муҳокамасига тайёрлаш (ИПК 162-моддаси); ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаларини ҳал этиш (ИПК 169-моддаси); суд муҳокамасини кейинга қолдириш (ИПК 171-моддаси); қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш (ИПК 189-моддаси); қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш (ИПК 330-моддаси) ҳақидаги ажримлар, шунингдек, суд буйруғи (ИПК 143-моддаси) ва ижро варақаси (ИПК 336-моддаси) устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят (протест) қилинмаслиги инобатга олиниши лозим.

17. Шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тикланиши рад этилганлиги сабабли (ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 4-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 4-банди) уни қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш нима сабабдан рад этилганлиги асослантириб берилиши, ажримнинг хулоса қисмида эса, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад этилганлиги кўрсатилиши керак.

Шикоятни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримда, шунингдек, шикоятни беришда тўланган давлат божининг қайтарилиши ва бу тўғрисида маълумотнома берилиши кўрсатилиши лозим.

18. Судларга тушунтирилсинки, шикоятда уни имзолаган шахснинг фамилияси тўлиқ, исми ёки исми ва отасининг исминнинг бош ҳарфлари кўрсатилган бўлса, шикоятни ИПК 269-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига ва ИПК

Муносабат

Одил судлов — жамият нуфузини белгиловчи мезон

Давлатимиз раҳбарининг парламентга тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасида судлар мустақиллигини тўлиқ таъминлаш — энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиши ҳолатларини фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқалигина бартараф этиш мумкин.

Мурожатномада келтирилган статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган ва ўзгартирилган.

Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш кераклиги ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилди.

Мурожаатномада алоҳида таъкидланганидек, судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади.

Умид САЙДАҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби доценти вазифасини бажарувчи

Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, "Адолат йўқолган пайтда, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди".

Президентимизнинг бу фикрлари ҳар бир фуқаро ва тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси давлат раҳбари назоратида эканлиги, бу каби муқаддас ҳуқуқни бузишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини англатади.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари барча нарсадан устун эканининг яна бир қатъий далолатидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.

Мурожаатномада қайд этилган энг эзгу мақсадлардан бири — суд мустақиллигини том маънода таъминлаш орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдир.

Бунинг натижасида аҳолининг суд идораларига ишончи ошади, адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигига эришилади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мамлакатимизда одил судловнинг юқори даражасига эришиш ва судларни адолат қўрғонига айлантиришга хизмат қилади.

Ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш муҳокама этилди

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Мазкур масалани тизимли ўрганиш ва зарур тавсия ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги вазирлик ва идоралар мутасаддилари, жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.

Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар мутасаддилари томонидан ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш бўйича дастлабки вазифалар белгиланди.

Мурожаатномада қайд этилганидек, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифаси тоифасига кирмайди ва турли идоралар функцияларини такрорлайди. Бу эса, иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Йиғилишда Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шуҳрат Чўллиев ишчи гуруҳ таркибига жалб этилган айрим ташкилотлар мазкур масалага ваколатидан ташқаридаги вазифа сифатида қараётганини танқидий баҳолади. Жумладан, қўмита томонидан Марказий банк ҳам ишчи гуруҳ таркибига таклиф қилинган бўлса-да, улар бу жараёнда қатнашишни истамаган.

Шундай бўлса ҳам бошқа вазирлик ва ташкилотлар масъуллари ўз фаолиятида ҳокимлар билан алоқаси бор йўналишлар бўйича кўплаб таклифларини билдирди. Бу борада Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги коммунал соҳада бир қатор вазифалар ҳокимларнинг қарорларига боғлиқ эканини қайд этди. Хусусан, ҳалигача хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жалб этиладиган банк кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қоплаш учун туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг кафолатини олиш учун ариза киритади. Ваҳоланки, ҳудудларни ривожлантириш бўйича ҳокимликларнинг бундан-да зарур вазифалари бор.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги вакили таъкидлашича, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини сотиш, жойларда дорихона очиш учун лицензия бериш ҳамон ҳокимлар ваколатига кирар экан. Мақсад ҳокимлар ваколатларини шунчаки қисқартириш эмас, балки уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга эришишдир.

Йиғилишда ҳокимлар ваколатлари кўрсатилган барча қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, вазирлик ва ташкилотларга ўз йўналиши бўйича вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бажарадиган вазифаларни таҳлил қилиб, тегишли таклифларни бериш топширилди. Адлия вазирлиги ва Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти мазкур таклифларни назоратга оладиган бўлди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎзА мухбири

Оқлов

Оқлов ҳукми ва ажримлари

инсонпарварликнинг энг ёрқин намунасидир

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

2009 йил декабрь ойида З. Исақова Қўштепа туман ИИБ тергов бўлинмасида иш ҳажми ортиб кетганлиги боис вилоят ички ишлар бошқармасининг тегишли буйруғи билан мазкур туманга хизмат сафарига юборилади.

2010 йил 6 январь куни эса, бўлинма бошлиғининг тегишли кўрсатмасига мувофиқ, терговчи Р.Бойназаров иш юритувида бўлган, Жиноят кодексининг 128-моддаси 1-қисми билан фуқаро Иминжон Қаҳҳоров (исм-шарифлар ўзгартирилган)га нисбатан қўзғатилган жиноят иши З. Исақовага олиб берилади.

Шу ўринда юқоридаги жиноят иши тафсилотларини қисқача келтириб ўтсак. Аниқланишича, И.Қаҳҳоровга нисбатан фуқаро Ёқутхон Fозиеванинг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилган.

Гап шундаки, И.Қаҳҳоров тумандаги 18-умумтаълим мактабида мусиқа фани ўқитувчиси вазифасида фаолият юритган пайтда Ё.Fозиева ўқийдиган синфга раҳбарлик қилган. Натижада у Ё.Fозиевани яхши кўриб қолади. Кейинчалик қиз турмушга чиққач, икки кунда ажрашиб, уйига қайтиб келади. Бунга унинг ахлоқсизлиги сабаб бўлади. Куёв томон эса, қудаларга шундай шарт қўяди: тўй ҳаражатлари учун сарфланган 10.000.000 сўмни қайтаришса, келиннинг кийим-кечак, тилла тақинчоқлари ва бошқа буюмларини беришади. Ё.Fозиеванинг ота-онаси эса, И.Қаҳҳоровни айблаб, қудалар сўраётган 10.000.000 сўмни беришини, шундагина унинг сепини қайтариб олиб, ўзини ҳам тинч қўйишини маълум қилишган. Аммо И.Қаҳҳоров бу айбловни тан олмаган. Бинобарин, Ё.Fозиева И.Қаҳҳоровга қонуний чора кўриш ва ундан 10 миллион сўм маблағни ундириб беришни сўраб, туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилган. Пировардида И.Қаҳҳоровга нисбатан Жиноят кодексининг 128-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Албатта, терговни давом эттириш мобайнида З.Исақова И.Қаҳҳоровга Ёқутхон ва Давлатали Fозиевнинг талабини етказган. И.Қаҳҳоров эса, бу маблағни топишга ҳаракат қилишини айтган. Аммо орадан кўп ўтмай у 10.000.000 сўм эмас, 8.000.000 сўм беришини маълум қилган. Д.Fозиев ҳам бунга рози бўлган. Фақат Д.Fозиев бу маблағни терговчининг ҳузурида олишини билдирган.

Қисқаси, 2010 йил 23 январь куни И.Қаҳҳоров турмуш ўртоғи билан бирга терговчининг хонасига 8.000.000 сўмни олиб келган. Бинобарин, З. Исақова жабрланувчига хабар бериш учун қўнғироқ қилган. Ўша дамда телефон гўшагини Д.Fозиевнинг ўғли кўтарган ва отаси маҳалладаги тўйда эканлигини айтган. Терговчи эса, унга отаси тезроқ туман ИИБга келишини тайинлаган. Сўнг З.Исақова И.Қаҳҳоров ва хотинини хонада қолдириб, тергов бўлинмаси бошлиғи Жуманазар Раҳимовнинг хонасига кирган ва гумонланувчи жабрланувчига нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун пул олиб келганини айтган. Айни шу пайтда хонага МХХ ходимлари кириб, уни гўёки 8.000.000 сўмни И.Қаҳҳоровга жиноят ишини Жиноят кодекснинг 118-моддасига қайта малакалаб, қамоққа олинишини айтиб қўрқитган ҳолда пора тариқасида олганликда айблаб, қўлга олишади. Натижада унга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б"-банди билан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2010 йил 5 апрелдаги ҳукмига биноан эса, З.Исақова 3 йил муддатга ички ишлар органларида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Суднинг 2010 йил 5 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилади. Шундан сўнг жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2013 йил 26 февралдаги ажримига кўра, З.Исақованинг ўталмай қолган 2 йил 6 ой 12 кунлик жазо муддати шу муддатга аҳлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилади. Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2014 йил 3 июндаги ажримига асосан эса, З.Исақова ўталмай қолган 8 ой 29 кунлик ахлоқ тузатиш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2016 йил 30 июндаги ажримига мувофиқ, унинг ҳаракати Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми "в"-бандига қайта малакаланган. Натижада собиқ терговчига 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан ва 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, 2011 йил 5 декабрдаги амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод этилган.

Албатта, бундай ноҳақлик ва адолатсизлик З.Исақованинг ҳаётини буткул издан чиқариб юборган, оиласи, яқинлари ва маҳалла-кўй олдида боши эгилиб қолганди.

Бундан ҳам ёмони шундаки, ўша пайтда унинг дардини тинглайдиган одам йўқ эди. Шу боис, унинг адолатни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари самара бермади.

Фақат Президентимиз ташаббуси билан жамиятда амалга оширилаётган тарихий ислоҳотлар З.Исақованинг ҳам юрагида умид уйғотди. Унинг мурожаатига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг 2019 йил 26 апрелдаги қарори билан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 5 майдаги ва Олий суднинг 2016 йил 30 июндаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишини янгидан апелляция инстанциясида кўриш жараёнида тергов органи ва дастлабки босқич судлари томонидан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари талаблари қўпол равишда бузилгани аниқланди. Хусусан, тезкор тадбир мобайнида диктафонга ёзиб олинган И.Қаҳҳоров ва З.Исақова ўртасидаги суҳбатга эътибор қаратилса, аудиоёзувда терговчининг моддий зарарни қоплаш учун келтирилган 8.000.000 сўмни ўзида сақлай олмаслиги, шу боис, жабрланувчининг манзилини тушунтирса, пулни элтиб беришини айтгани, аммо И.Қаҳҳоров бунга кўнмагач, Д.Fозиевга қўнғироқ қилиб, пулни олиб кетиши ҳақида хабар бергани аниқ-равшан акс этган. Қолаверса, И.Қаҳҳоров пулни олиб кираётганда туман ИИБ навбатчилик қисми ходимига зарарни қоплаш учун олиб келганини билдирган. Шу боис, З. Исақова пулни жабрланувчига топшириш жараёнида иштирок этиш учун фаррош аёлларни холис сифатида жалб қилган.

Бундан ташқари Д.Fозиевнинг гувоҳлик беришича, у маҳалладаги тўйда ошпазлик қилаётган пайтда ўғли уйда қолиб кетган телефонини олиб келиб, терговчи аёл туман ИИБга етиб боришини тайинлаганини айтган. Шунга кўра, ота бўлмиш З.Исақовага қўнғироқ қилган. Шунингдек, туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи Жуманазар Раҳимов З.Исақованинг Д.Fозиев билан телефонда гаплашганига гувоҳ бўлган. Бундай ҳолатда шахсни пора олиш жиноятини содир этган, деб айблаб бўлмайди.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, 463-моддасида эса, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши белгиланган. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ўз ифодасини топган.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларига таянган суд жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2010 йил 5 апрелдаги ҳукмини бекор қилди, З.Исақовани айбсиз деб топди ва оқлов ҳукми қабул қилди.

Айни пайтда З.Исақова севган касбига, ўз ишига қайтиш ҳаракатида. Негаки, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро суди 2019 йил 18 ноябрда уни ўз ишига тиклаш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди. Демакки, қаҳрамонимиз қонун устуворлигини таъминлашдек шарафли ишини яна давом эттиради.

Давлатимиз раҳбари парламентга Мурожаатномасида "Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак" деб таъкидлади. Шундай экан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги эзгу ишларимиз бундан кейин ҳам давом этади.

Маҳаматиброҳим ТЎЛАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Жиноят ва жазо

Эски танишнинг ҳийласи

ёки оқибатсизлик замиридаги тамагирлик

Шарифжон (исм-шарифлар ўзгартирилди) мутахассислиги бўйича туппа-тузук фаолият юритиб келаётганди. Фақат уйланиб, кунлик харажатлар кўпайгач, 0,25 иш ҳажмида олаётган маоши камлик қилди. Раҳбарларга иш ҳажмини кўпайтиришни сўраб, қилган мурожаати ҳам фойда бермади. Чунки бошқа ҳамкасбларининг иш ҳажмини қисқартириб, Шарифжонга қўшиб беришнинг иложи йўқ эди.

Хуллас, Ш.Мамасолиев ўйлай-ўйлай бошқа ишнинг бошини тутишга қарор қилди. Узлуксиз ўн йил ишлаган муассасадан ўз хоҳиши билан ишдан бўшади. Ўшанда 2016 йилнинг март ойи эди.

Аммо бошқа жойда ҳам унинг омади юришмади. Шунинг учун орадан уч йил ўтиб, аникроғи, ўтган йилнинг мартида у яна туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ҳузурига иш сўраб келди. Оқтош шаҳар оилавий поликлиникасида флюрография рентгент лаборанти вазифасида 0,25 штат бирлигида ўн йил ишлагани, ойлик маоши камлиги сабаб ишдан бўшаб кетганини айтди. Аввалги иш жойига бир штат бирлигида ишга жойлаштиришни илтимос қилди.

Ўз навбатида, бош шифокор тиббиёт бирлашмаси бош иқтисодчиси Ҳусниддин Пўлатовни ҳузурига чақирди-да, унга бир ставка флюрография рентгент лаборанти штатини очиш чорасини кўришни ва бу иш Ш.Мамасолиевга берилишини айтди. Шундан сўнг Ҳ.Пўлатов Шарифжоннинг аризасини олиб қолди ва хабар олиб туришни тайинлади.

Қисқаси, шундан сўнг Шарифжон апрель ойида Ҳ.Пўлатовга учрашди. Май ойида яна келди. Лекин бирон-бир тайинли жавоб ололмади. Шу боис, у яна бош шифокор қабулига кирди. Бош шифокор штат бирлигини ҳалигача очмагани учун Ҳ.Пўлатовни чақириб, роса койиди. Бошлиқнинг ҳузуридан чиққач, Ҳ.Пўлатов Шарифжонга "Бироз сабр қилиб туринг, июнь ойида иш аниқ бўлади", деб ваъда берди.

Бу дунёда кутишдан қийин иш бўлмаса керак. Шарифжон ишга жойлашиш умидида кун санай бошлади. Ниҳоят, июнь ойининг бошида ваъда қилинганидек, у тиббиёт бирлашмаси бош иқтисодчисининг олдига борди. Аммо бу сафар ҳам бош иқтисодчи кутиб туринг, дейишдан нарига ўтмади. Орадан икки ҳафта ўтгач, у яна тиббиёт бирлашмасига борганида, тасодифан эски таниши Р.Муродуллаевани учратиб қолади. Рухсора Муродуллаева тиббиёт бирлашмасида оддий иқтисодчи вазифасида ишларди. У Шарифжонни, Шарифжон эса, уни яхши танирди.

Қисқаси, ўша куни Шарифжон Рухсорага дардини айтиб, ёрдам беришни илтимос қилди.

— Сенга ёрдам бераман, — деди Р.Муродуллаева. — Иш ҳал бўлгач, ўзим телефон қилиб чақираман.

Буни қарангки, ҳақиқатан ҳам, орадан кўп ўтмай Рухсора Шарифжонга қўнғироқ қилди ва зудлик билан етиб келишини айтди.

— Ишни Самарқанддан ҳал қилиб келдим, — деди у Шарифжонга. — Сени бир штат бирлигида флюрография рентгент лаборанти вазифасига тайинлаш ҳақида буйруқ ҳам чиқартирдим. Энди менга 400 АҚШ доллари беришинг керак.

(Давоми 4-бетда) ▶

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида яшовчи Инобат Алматова сўнгги 27 йил мобайнида кетма-кет оғир ва ўта оғир (фирибгарлик, босқинчилик, гиёҳванд моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш, ҳужжатларга шикаст етказиш ва яшириш, қасддан одам ўлдириш) жиноятларни содир этгани учун қонуний жазога тортилган, ҳатто умрининг салкам 15 йилини темир панжаралар ортида ўтказган бўлса-да, барибир жиноий қилмишга қўл уришдан ўзини тиёлмади. Оқибатда айни пайтда олтинчи жинояти учун жазо муддатини ўтамоқда.

Жиноятга жазо муқаррар

Баднафс аёл

олтинчи марта жиноятга қўл урди

Гап шундаки, И.Алматованинг 1996 йилда содир этган қотиллик ва босқинчилик жинояти орадан 21 йил ўтгач, ошкор бўлган ва жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2018 йил 28 майдаги ҳукмига мувофиқ, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в,ж,и,п,р"-бандлари ва 164-моддаси 4-қисми "в"-бандига биноан, жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 13 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. Фақат ушбу жазо 12 та амнистия актининг ҳар бирига асосан, тўртдан бир қисмига қисқартирилиб, айбдор суд залидан озод қилинганди. Аммо И.Алматова 6 ойлик "танаффус"дан кейин яна "эски ҳунари" — фирибгарликка қўл урди.

Аниқроқ айтганда, 2018 йил 6 декабрь куни Инобат Алматова "Новза" метро бекати яқинидаги "Gold centre" савдо марказига боради.

— Қадимги Ёқутистон тошларидан ишланган тилла тақинчоқларни сотиб оламан. Ўғлим Америкада тилла тақинчоқлар билан савдо қилади. Мен сизлардан олиб, ўғлимга юбораман, — дейди у савдо марказидаги сотувчи ва харидорларга.

Албатта, бу гап Инобатнинг фириб тўри эди. Бироқ харидорлар орасида турган фуқаро Муҳаббат Назарова унинг ғаразли мақсадини қаёқдан билибди, дейсиз?! Шу боис соддадил М.Назарова И.Алматованинг гапларига ишонади.

— Менда сиз айтган тиллолардан бор. Керак бўлса, яна топиб беришим мумкин, — дейди Муҳаббат опа.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мунаввар лаҳзалар

Мукаррам она тимсоли

ёки миллий бағрикенглик ҳақида воқеий ҳикоят

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бир куни шундай қизғин гурунг чоғида ёнимиздан ўтиб кетаётган ёши анча улуғ русийзабон эр-хотин (эрининг исми Иван экан) ўзбекча гаплашаётганимизни кўриб, қайси юртдан эканимизни сўраб қолди. У бизни Ўзбекистондан эканимизни эшитгач, бирдан кўзлари қувончдан порлаб кетди ва ҳаяжонини яширмасдан биз билан бироз суҳбатлашишга рухсат сўради. Табийики, биз унинг таклифини миннатдорлик билан қабул қилдик.

Иван ака хотини билан ўриндиққа ўтираркан, дунёнинг кўплаб давлатларида бўлгани, аммо бирор жойда ўзбеклар каби меҳридарё, бағри кенг, саховатли, олижаноб халқни учратмаганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бунинг тасдиғи сифатида у болалик йилларида бошидан кечирган азоб-укубатларни енгиб ўтишда ўзбек аёли кўрсатган меҳр-мурувватни кўзига ёш олган кўйи гапириб берди. Унинг айтишича, онаси ёшлигида вафот этган, отаси эса, ҳарбий хизматда бўлгани учун оиласига, хусусан, фарзанд парваришига вақт ажратолмаган. Шу сабабли ёшлигида ота-она меҳридан баҳраманд бўлолмагани сўнгсиз армони эканлигин чуқур хўрсиниқ билан қайд этди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, у минглаб етим ва қаровсиз болалар каби Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Поездда ўн суткадан ортиқ йўл юриб, Фарғона шаҳрига етиб келишганда, барча болаларнинг хаёлидан ҳозир вокзалдан тўғри болалар уйига олиб кетиши, бегона юртда катта ёшли болалар тазйиқида азиятли ҳаёт кутиб тургани тўғрисидаги нохуш фикр ўтади.

Аммо поезд Фарғона вокзалига тўхтаганида, бутун вокзал аёллар билан тўлиб-тошганини кўриб ҳайрон қолишган. Иван ака эрлари фронтда бўлган бу аёллар ўзлари 7-8 нафар болани қийинчилик билан боқаётган бўлса-да, ўзига ўхшаган норасида, меҳрга муҳтож болаларни оиласига олиб кетиш учун келишганини эшитиб, том маънодаги инсонийликни ифода этувчи бу меҳр-муҳаббатдан ҳайратга тушганини айтди.

Иван ака бошидан кечирганларини ҳаяжон билан гапираркан, кутилмаганда хотинидан "Сен дунёда шундай бағрикенг халқни кўрганмисан?" — деб сўради. Хотини эса, "Йўқ, кўрмаганман", — деб жавоб берди.

Суҳбатдошимизнинг эслашича, улар поезддан тушишгач, сочлари оппоқ бир аёл масъул ҳарбий раҳбарга мурожаат қилиб, бир болани оиласига боқиш учун беришни ва айнан уни бағрига босиб, шу болани бермаса, бу ердан кетмаслигини айтган. Ҳарбий раҳбар "Ўзингизнинг нечта болангиз бор?" — деб сўрганида, ҳалиги аёл "Ўзимнинг 7 нафар болам бор", — деб жавоб берган.

Ҳарбий кишининг бош чайқаб, "Бусиз ҳам болаларингиз кўп экан, бунинг устига эрингиз фронтда бўлса, қийналиб қолмайсизми, ҳаммасига қандай қилиб егулик топиб берасиз?" — деган ўйчан саволига кескин равишда "Етти болага етган егулик саккизинчисига ҳам етади, ахир, бу боланинг айби нима?" — деб аёл уни янада қаттиқроқ бағрига босиб, пешонасидан ўпган экан.

Меҳр-оқибат билан суғорилган бундай илиқлик тафтини фақат онам бағрига олгандагина ҳис қилган эдим, мен бу меҳрибон ўзбек аёли тимсолида худди ўз онамни топгандек бўлдим ва беихтиёр йиғлаб юбордим, деб хўрсинди Иван ака. Хуллас, бу меҳридарё ўзбек аёли мени ўз боласидек бағрига босиб, уйига олиб кетди.

Иван ака кўзида ёш билан "Сен шундай халқни кўрганмисан, бегона аёлдан шундай меҳр-муҳаббатни ҳис қилганмисан?", — деб хотинидан яна сўради. У ҳам кўзда ёш билан "Йўқ!", — деб жавоб берди.

Инсон кўнглини эритиб юборувчи, меҳр-муҳаббат ва юксак маънавиятга ундовчи бундай хотираларни тинглаб туриб, бизнинг кўзимизда ҳам беихтиёр ёш пайдо бўлди.

— Менга онамдек бўлиб қолган бу ўзбек аёли уйига олиб борганида, фақат ундан эмас, балки унинг 7 нафар боласидан ҳам ҳамиша меҳр-мурувват кўрдим, — деб давом этди суҳбатдошимиз. — Биз туғишганлардек аҳил-иноқ яшай бошладик. Бунга, менимча, уларнинг қалбига ўзбекларгагина хос меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилати сингдирилгани асосий омил бўлган.

Иван аканинг эслашича, ўша вақтда вужудга келган моддий қийинчилик билан боғлиқ аҳвол ва нон танқислиги туфайли онаси ўз болаларига кунига уч маҳал икки бурдадан, унга эса, уч бурда нон берар экан. Маълум вақт ўтганидан сўнг ўзбек тилини анча тушуниб қолгач, болалардан бири онасидан нима сабабдан уларга икки бурда, Иван акага эса, уч бурда нон беришини сўраб, нонга тўймаётганларини айтганида, гарчи бу ўзбек аёли бирор-бир ўқув даргоҳида таҳсил олмаган бўлса-да, унинг маънавий даражаси ҳар қандай файласуфдан кам бўлмаган, яъни "Сизларга икки бурда, унга уч бурда нон беришимнинг сабаби, у етим, унинг онаси йўқ, мен эса, сизларни бағримга босиб тўйдириб қўяман", деган жавобни айтган экан.

Бундан ташқари аёл ўз болаларини ухлатгач, Иванни бағрига олиб, алла айтиб ухлатар экан. "Шу сабабли ўзбекларнинг алласи мен учун энг тотли ашула бўлиб қолган", деди Иван ака.

Шу пайт унинг хотини "Алла нима ўзи, озгина хиргойи қилиб беролмайсанми?" — деб сўраб қолди. Иван ака эса, "Сен билмайсан-да, аллани фақат ўзбек аёллари ўзига хос меҳр-муҳаббат билан айта олади", деди ва яна кўзига ёш олди.

Иван ака ҳикоясини тағин давом эттираркан, мудҳиш урушнинг дастлабки йилларида онаси вафот этганини, отаси ҳақида эса, ҳеч қандай хабар бўлмаганини, лекин кўнглида отаси тириклиги ва у билан албатта, учрашишига умид қилиб яшагани, орадан беш йил ўтиб, яъни 12 ёшга кирганида бу орзуси рўёбга чиққанини янада ҳаяжон билан сўзлаб берди.

Ўзбек хонадонларида, одатда, кўча эшиги ҳамиша очиқ туришини тўлқинланиб хотирларкан, бир куни ҳовлига кутилмаганда, генерал-полковник унвонидаги отаси ва бир неча генераллар кириб келишганига кўзи тушиб, ҳайратдан анграйиб қолдик, деди. Маълум бўлишича, отаси уни узоқ вақт қидирган ва ниҳоят, ўғли Фарғона шаҳрида ўзбек аёли тарбиясида экани, бу аёлнинг 7 нафар боласи борлиги, эри уруддан қайтмаганини сўрабсуриштириб билган. Шу боис, отаси аёлдан бир умрга қарздор эканини чуқур миннатдорчилик билан айтган.

Айни ўша лаҳзаларда худди ўзининг фарзандидек бўлиб қолган Иванни пешонасидан силаб, бағрига босиб турганини кўрган отаси гарчи ҳарбийларга хос темир иродали киши бўлса-да, кўзига ёш олиб мен бу меҳр-муҳаббатли аёл тимсолида бағрикенг, саховатли, улуғ ўзбек халқига таъзим қиламан, деб аёл қаршисида уч марта тиз чўкиб таъзим қилган экан.

— Мен ҳарбийман, санъатдан хабарим йўқ, лекин ҳайкалтарош бўлганимда бу бағрикенг, саховатли ўзбек халқига энг маҳобатли ва муҳташам ҳайкал ўрнатардим, — деган экан Иван аканинг отаси.

Иван ака сўзининг охирида унинг учун дунё энг тотли таом — бу ўзбек нони эканини, бу нонни, унинг ёқимли ҳидини жуда-жуда соғинганини айтди. Биз, ўз навбатида, "Сиз кейинчалик Ўзбекистонда бўлганмисиз?" — деб сўрганимизда, Иван ака "Қачонки, боришим мумкин бўлганида, моддий жиҳатдан, имкониятим йўқ эди, ҳозир эса, афсуски, соғлигим кўтармайди", — дея ўз армонини очиқ баён қилди.

Америкага сафар арафасида Ўзбекистондан нима олиб боришни сўраганимизда, Собир укам иложи бўлса, патир нон олиб келишни илтимос қилганди. Бу гурунгдан кейин биз унинг илтимосига кўра, патирларни Иван аканинг Бостон шаҳридаги уйига жўнатдик.

У эса, тез орада телефон орқали бунинг учун қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, патир нонларнинг бир қисмини танишларига бағрикенг ўзбек халқи номидан улашганини айтди. Хуллас, биринчи марта хорижга саёҳатга чиқишим ҳам, Америкадек сеҳрли диёр таассуротлари ҳам — бир томон, Иван аканинг хотиралари иккинчи томон бўлиб, инсонийлик тарозисида залворли аҳамият касб этарди. Шундай бағрикенг, танти, олижаноб ва меҳру мурувватда тенги йўқ халқимиз борлигидан яна бир бор фахру ифтихор туйғусини ҳис этдик.

Каримжон САИДОВ,
суд фахрийси

Жиноятга жазо муқаррар

олтинчи марта жиноятга қўл урди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Буни қарангки, Инобат унга ўзини "Маҳфират" деб таништиради.

— Илгари гинеколог бўлиб ишлаганман. Энди пенсияга чиқиб, ўғлимнинг бизнесига ёрдамлашаяпман, — дейди у.

Шу тариқа И.Алматова оғиз кўпиртириб, ўғли ва ўзини мақтай кетади. Ташқарига чиққанда эса, М.Назаровани илинтириш учун яна аврашда давом этади.

— Ўғлим "Олой" бозори ёнидаги "Капиталбанк" филиалига қирқ беш минг доллар юборган. Бу пулнинг ҳаммасига тилла тақинчоқлар сотиб олишимни тайинлаган. Кўриб турибман, истарали аёл экансиз. Шунинг учун сизга таклифим, мендан фойдаланиб қолинг.

Шундан сўнг улар телефон рақамларини алмашиб, эртаси куни "Олой" бозорида учрашишга келишиб олишади. 2018 йил 7 декабрь куни эса, Муҳаббат Назарова ундан олдинроқ бозорга етиб бориб, И.Алматовага қўнғироқ қилади. Аввалига Инобат гўшакни кўтармайди. Фақат соат 11:40 лар чамасида унинг ўзи нотаниш рақамдан қўнғироқ қилади-да, ҳозир етиб боришини айтади.

И.Алматова етиб келгач, М.Назаровадан "тилла тақинчоқларни олиб келдингизми?" — деб сўрайди.

— Ҳа, олиб келдим, — дейди М.Назарова сумкасида турган, нархи 13.500 АҚШ долларига тенг бўлган 4 жуфт бриллиант узук ва зиракларни кўрсатиб. Шундан сўнг "Маҳфират" Муҳаббат опани Дилбар исмли аёлнинг дўконига бошлаб киради.

Аммо дўкон соҳибаси улар кутганидан анчагина паст нархни айтди. Шу боис, Муҳаббат Назарова бу нархга сотмаслигини билдириб, жаҳл қилганча ташқарига чиқиб кетади.

— Шошманг, Муҳаббатхон, — дейди Инобат унинг ортидан эргашиб. Сўнг қўлидаги шарфга ўралган нарсани М.Назарованинг қўлига тутқазди.

— Мана бу ўттиз минг доллар пул, ҳозиргина банкдан олдим. Сиз ушлаб туринг, мен тилла тақинчоқларингизни баҳолатиб чиқаман.

У шундай деб Муҳаббат опанинг тилла тақинчоқларини олиб, парфюмерия маҳсулотлари сотиладиган дўконга кириб кетади. Бироқ хадеганда чиқавермайди. Охир-оқибат тоқати тоқ бўлган М.Назарова ўша дўконга кириб, "Маҳфират"ни — И.Алматовани сўрайди. Лекин сотувчи аёл уни танимаслигини айтади. Шунда бояқиш аёл алдангани, фирибгар дўконнинг иккинчи эшигидан чиқиб кетганлигини билади. Шунинг учун шоша-пиша бир соат аввал қўнғироқ бўлган рақамга сим қоқади.

— Бу менинг рақамим. Маҳфират исмли аёлни танимайман. Фақат боя бир аёл қўнғироқ қилиш учун телефонимни олганди, — деб жавоб беради гўшакни кўтарган нотаниш йигит.

Шундан сўнг Муҳаббат Назарова дарҳол ички ишлар идорасига хабар беради. Натижада Инобат Алматовага нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а"-банди билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2019 йил 7 январдаги ажримига биноан эса, унга нисбатан сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, қидирув эълон қилинади. Бузоқнинг юргани сомонхонагача, деганларидек, "қаҳрамон"имиз 2019 йил 10 апрель куни қўлга олинади. Пировардида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2019 йил 19 июндаги ҳукмига асосан, Жиноят кодексининг юқоридаги моддаси билан айбдор деб топилиб, кодекснинг 50-моддаси 6-қисми ва 57-моддаси қўлланган ҳолда 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шу билан бирга, жабрланувчига етказилган 13.500 АҚШ доллари миқдоридаги зарар ҳукм эълон қилинган кундаги 1 АҚШ долларининг Ўзбекистон сўмига нисбатан қиймат — 8314 сўм 85 тийинда ундириш белгиланди. Аммо И.Алматова бундан норози бўлиб, апелляция шикоятини берди.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а"-бандига кўра, айбдорга энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Кодекснинг 50-моддаси 6-қисмида эса, "Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас" дея қайд этилган. Бинобарин, суд кодекснинг мазкур моддасини инобатга олиб, қолаверса, 57-моддасини қўллаб, Махсус қисм моддасида назарда тутилганидан ҳам камроқ жазо тайинлаб тўғри хулосага келган. Ана шу асосларга таянган апелляция инстанция суди апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирди.

Бу воқеани баён этишдан мақсад шуки, ҳар бир аёл ҳақиқий бахтни оилада, фарзандлари қувончида кўради. Буни унутиш эса, инсон ҳаётини издан чиқариб юбориши ҳеч гап эмас.

Муҳтарама ТУРҒУНОВА,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Буни эшитиб, Шарифжон бирдан ўйланиб қолди. Сўнг Р.Муродалиевага кўп пул сўраётгани, 200 АҚШ доллари беришгагина қурби етишини айтди.

Буни эшитиб, Р.Муродуллаева кутилмаганда асабийлашиб кетгандек бўлди, вилоят марказида ўтирганларга штат очиш учун бошқа ходимларнинг пулидан харажат қилгани, энди шунинг ўрнини тўлдириш лозимлигини тушунтирди. Хуллас, у "400 АҚШ доллари олиб келасан", дея шарт қўйди.

Эртаси куни Ш.Мамасолиев яна Рухсорага учрашди. Айтган миқдордаги пулни тополмаётгани, 200 АҚШ долларига рози бўлишни илтимос қилди.

— Сен нега гапга тушунмайсан?! — деди Р.Муродуллаева жаҳл билан. — Агар 400 АҚШ доллари бермасанг, ишнинг ярмини бошқа бировга бериб, ундан пулини олишга тўғри келади. Сен эса, ярим штатда ишлайсан.

Буни эшитиб, Ш.Мамасолиев оғир аҳволга тушиб қолди.

Аммо қизиқ томони шундаки, 1 июль куни уни тиббиёт бирлашмаси ходимлар бўлимига чақириб, шу кундан эътиборан бирлашмага қарашли кўп тармоқли поликлиниканинг флюрография рентгент лаборанти вазифасига бир штат бирлигида ишга қабул қилингани тўғрисидаги буйруқ билан таништиришганди. Лекин Рухсора Муродуллаева унга бошқа талабни қўйиб турибди. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

Икки ўт орасида қолган Шарифжон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишга қарор қилди. Унинг аризасига кўра, 2019 йилнинг 7 сентябрь куни тезкор тадбир ўтказилди. Тадбир давомида Р.Муродуллаева Ш.Мамасолиевнинг ишончини суиистеъмол қилиб, уни тиббиёт бирлашмасига бир штат бирлигида ишга қабул қилинишида ёрдам бергани тўғрисида алдаб, фирибгарлик йўли билан 400 АҚШ доллари олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Р.Муродуллаеванинг хизмат вазифасига штат очиш, бирон-бир ходимни ишга қабул қилиш кирмайди. У бирлашма бош иқтисодчиси Ҳ.Пўлатовнинг назорати остида иқтисодий ҳисоботларни юритиш, тайёрланишига ёрдам бериш сингари вазифаларнигина бажаради. Демак, у Ш.Мамасолиевни қонуний тартибда ишга жойлашганини билган ва бундан ўз манфаатига фойдаланишни кўзлаган.

Аслида, уни ана шу ғаразли нияти бадном қилди.

Суд судланувчи Р.Муродуллаеванинг қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 28, 211-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб топди. Бироқ унинг фирибгарлик жинояти содир этганликдаги ҳаракати тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиниб, хатоликка йўл қўйилган деб ҳисоблади. Чунки Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 7-бандида "Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан ҳоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади" деган раҳбарий тушунтириш бериларган.

Иш ҳолати ва суд мажлисида аниқланишича, Р.Муродуллаева воқеа куни Ш.Мамасолиевдан 400 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан воқеа жойида ушланган. Бундай ҳолатда у жабрланувчи Ш.Мамасолиевдан олган 400 АҚШ долларидан фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлмаган. Жиноят кодексининг 25-моддаси 2-қисмида эса, "Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади" дея қайд этилган.

Суд юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, Р.Муродуллаеванинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмидан Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисмига қайта малакалади.

Суд Р.Муродуллаевани Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди. Судланувчига нисбатан айбланган ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жарима жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган асосий ва қўшимча жазоларни қисман қўшиш йўли билан икки йилга корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш баравари миқдорида — 15 миллион 610 минг сўм жарима жазоси тайинлади ва давлат фойдасига ундирди.

Мушоҳада қилиб қараганда, ҳар қандай жиноий қилмишнинг келиб чиқишига меҳрсизлик, оқибатсизлик, нафс балоси сабаб бўлишини англаш қийин эмас. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, фирибгарлик ва тамагирликдан иборат бу қилмиш замирида ҳам ҳар бир инсон учун азиз ва қадрли саналган меҳр, оқибат ва ҳалолликдан чекиниш жиноий қилмишнинг содир этилишига йўл очган. Жиноят эса, ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Илҳом ҚОРАБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг раиси.
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Олим ҲАЙИТОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Светлана АРТИКОВА, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 10569
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22³⁰. Топширилди: 00⁵⁰.